O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 15 апрель, № 72 (3871) Шанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Мамлакатимиз парламентининг юқори палатасида "Нотариат фаолиятини ташкил этиш: назария ва амалиёт" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. У Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, судьялар, «Маҳалла» жамғармаси раҳбарлари, нотариуслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Фуқаролик-ҳуқуқий битимлар сонининг кўпайиши фуқаролик жамияти субъектларининг фаоллашаётганидан далолатдир. Бундай битимларнинг тузилиши ва расмийлаштирилиши нотариат томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳам давлат, ҳам хусусий нотариуслар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, нотариал ҳаракатларнинг айрим турлари Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан бошқа давлатлар ҳудудида ҳам амалга оширилиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ васиятномалар, ишонч қоғозини (автотранспорт бошқариш ҳуқуқини берувчи ишонч қоғозидан ташқари) тасдиқлаш, мерос қилиб қолдирилган мулкни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, ҳужжатлар нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларни тасдиқлаш (таълим тўғрисидаги ҳужжатлар нусхасидан ташқари) каби нотариал ҳаракатларни мамлакатимиз фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ҳам амалга ошириш ваколатига эга.

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давомида фуқаролар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчиликка риоя қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, шу жумладан, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга шахслар масъулиятини ошириш, битимларни тасдиқлашнинг қонунийлиги ва тўғрилиги, фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши мумкинлигининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Давра суҳбати қатнашчилари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни муҳокама этди. Чунончи, нотариал ҳаракатларни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг ижроси, уларнинг моҳиятини такомиллаштиришга, нотариусларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, лицензиялар бериш, малакали ва апелляция комиссиялари самарадорлигини ошириш, посёлкалар, қишлоқлар ҳамда овуллар фуқаролар йиғинлари раисларига (оқсоқолларга) нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам бериш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашувда мамлакатимиз ташқарисида консуллар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар турларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари нотариал ҳаракатларнинг битимларни тасдиқлаш, мерос қилиб олинган ҳуқуқларни расмийлаштириш, аҳолининг фуқаролик ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш каби турлари ва Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни ижросининг прокурор назорати масалаларини кўриб чиқди.

Муҳокама чоғида қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, сенаторлар фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) айниқса мамлакатимизнинг чекка қишлоқлари ва овулларида нотариал ҳаракатларни бажариш бўйича ваколатларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, уларга адлия органлари томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши зарурлигига эътибор қаратди.

(ЎзА).



Ҳалол меҳнат билан инсон умри зийнатланади. Эл-улус ўртасида обрў-эътибор, ҳурмат топади. Бахтиёр Исмоилов ана шундай инсонлардан бири. У бир неча йиллардан буён Асакадаги мотор таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилади. Чилангар. Мотор йиғишда Бахтиёрга тенг келадигани топилмайди. Айни пайтда у корхонада янги иш бошлаган ёшларнинг устози ҳамдир.

СУРАТДА: Бахтиёр Исмоилов иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши масаласи демократиянинг ажралмас қисми. Чунки у ҳокимиятни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган юртимизда маҳаллалар, фуқаролик йиғинларининг энг демократик бошқарув усули ва тизими сифатидаги ўрни ҳамда таъсири кенгайиб, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб бориши табиий.

Бунда Президентимиз Ислом Каримов Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берган устувор вазифалар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, қишлоқ фуқаролик йиғинларининг ролини ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти юртдошларимизнинг кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар жараёнларига онгли, манфаатли ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аҳамияти, сайловга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида суҳбатлашдик.

— Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотлар тадрижий, яъни босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — дейди М.Ражабова. — Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги стратегик вазифалар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдан иборат.

Май ойида бошланадиган фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараён катта аҳамиятга эга. Мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун-моҳият билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ҳамда ваколатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очиқ ва ошкора руҳда, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилади.

— Сайловни ўтказишга доир қандай қонун ҳужжатлари мавжуд?

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар ушбу сайловни ўтказишда ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади.

Бош қомусимизда акс эттирилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бўлиб, унга мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, Конституциямизда сайлов тизимига алоҳида боб ажратилган.

Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланган. Конституциямиздаги мазкур умумий меъёрлар

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси**нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Уни мазкур қўмита раиси Т. Каримов олиб борди.

Таъкидланганидек, Сурхондарё вилоятида мазкур Қонуннинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, вилоятда атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш, ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан ҳамда сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларига риоя этилиши устидан назорат ишлари яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида давлат қўриқхоналари, миллий боғлар, табиий ёдгорликлар, ботаника ва зоология боғлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларини барпо қилиш борасида ҳам аниқ вазифалар белгиланган.

Назорат-таҳлил натижалари вилоятда мазкур Қонун талабларини бажаришда ижобий ҳолатлар билан биргаликда, ҳали етимни топмаган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, вилоятда автотранспорт воситаларининг экологик аҳволини текшириш ҳамда уларни белгиланган норматив талабларга келтириш учун мўлжалланган «Экотрансназорат» пунктларини қуриш ишлари амалга оширилмаган.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида «Кучли ижтимоий муҳофаза — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси** билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда қуйи палата депутатлари, академия тингловчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, ўтган йиллар давомида республикамизда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб келинди. Айни шу хусусда сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида фикр билдириб, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш тарзи давр талабига мос равишда ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини қайд этишди.

Конференция қизғин фикр алмашувлар билан ўтди, депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ушбу мавзудаги саволларга жавоб бердилар.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида** мамлакатимизда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ ислоҳотининг бориши ҳамда фуқароларга, шу жумладан, ёшларга ҳуқуқ ва бурчларини англашларида кўмаклашиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан пойтахтга малака оширишга келган ҳуқуқшунос-ўқитувчилар иштирок этди.

Семинарда мазкур қўмита раиси Н. Исмоилов парламент қуйи ва юқори палаталарининг ваколатлари, қонун лойиҳалари тайёрлаш жараёни, бу борадаги тажриба ва янгиликлар тўғрисида маъруза қилди.

Тадбир давомида ёш авлодни тарбиялаш, уларга Мустақиллик ва Конституциямизни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини тушунтириш зарурлиги қайд этилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг** сайёр йиғилиши Жиззах вилоятида бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятдаги ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишни қўмита раиси Х. Дўстмуҳаммедов олиб борди.

Мазкур масалани ўрганган депутатлар гуруҳининг таъкидлашича, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигида махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, бугунги кунда 2 та вилоят газетаси, 12 та туман, 7 та тармоқ ва бошқа газеталар фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли вилоят телерадиокомпанияси, ННТ «Жиззахим — қуёшим» телевидениеси ва «Magdeburg» МЧЖнинг кабелли телевидение хизматидан бахраманд.

Йиғилишда сўзга чиққанлар соҳадаги ижобий ўзгаришларни таъкидлаш билан бирга, бир қатор туман газеталари фаолиятидаги камчиликларни танқид қилдилар. Баъзи жамоалар имкониятлари даражасида изланиб, ташаббус кўрсатиб ишламаётган бўлса, айрим муассислар эътиборсизлик қилаётир. Оқибатда «Пахтакор овози», «Дўстлик ҳаёти», «Зарбдор», «Шарқ тонги» газеталари жуда оз нусхада чоп этиляпти.

Вилоятдаги барча ОАВ вакиллари қатнашган йиғилишда ёш мутахассисларни тайёрлаш, журналистлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Нашрларнинг, кўрсатув ва эшиттиришларнинг шакл ҳамда мазмунини бойитиш юзасидан тавсиялар берилди.

Қўмита йиғилишида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА,
Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси ва Комиссия аъзоларининг навбатдаги вазифалари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш сайлов тизимини, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш, сайлов ва референдум ўтказиш бўйича комиссияларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган жамоатчилик асосида ишловчи орган ҳисобланади.

Сайлов технологияларини ривожлантириш, сайлов жараёнининг илмий, қонунчилик, ахборот-тушунтириш, аналитик, ташкилий ва технологик негизларини такомиллаштириш кенгашнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига мамлакатимизда ҳозирги пайтда тайёргарлик кўрилаётган ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш борасида маҳаллий Кенгашларга методик ёрдам кўрсатиш, шу масала юзасидан маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ўтказиладиган семинар ва анжуманларда оқсоқоллар сайлови қонунқоидалари бўйича маърузалар қилиш, шунингдек, сайлов ташкилотчиларининг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш борасида тўпланган тажрибасини ўрганиш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди раиси бўлиб ишлаб келган Кўчқор Тоғаев Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

14 апрель куни Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида" 2005 йил 5 августдаги ва "Банкдан ташқари айланмани қисқартириш ва нақд пул муомаласи аҳволи юзасидан масъулиятни ошириш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларга амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида" 2005 йил 22 ноябрдаги қарорларининг ижро этилиши ҳамда Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси ваколатига кирувчи бошқа бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, мазкур Комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1-чорагида банк кассаларига нақд пулларнинг тушиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,1 фоизга, шу жумладан, савдо тушумлари 53,3 фоизга ошди. Шунингдек, нақд пулларнинг банк кассаларига қайтиши 98 фоизни ташкил қилди.

Мазкур қарорлар талабларини бажариш мақсадида кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий тўловлари, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда жорий йилнинг март ойида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг Ишчи гуруҳлари томонидан Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган таҳлиллар натижасида мазкур ҳудудларда банк айланмасига нақд пул маблағларини жалб қилишнинг қўшимча манбаларини излаб топиш борасидаги ишларнинг қониқарсизлиги ўз тасдиғини топганлиги қайд этилди.

Айниқса, бу борадаги ишлар Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида ва Зангиота туманида умуман талабга жавоб бермайди. Хусусан, саноати ривожланган ушбу ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари етарлича фаолият юритмаяпти, уюшган савдо тизими яхши ташкил этилмаган, пулли ва маиший хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам талаб даражасида эмас.

Мазкур масала юзасидан ушбу ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда ушбу шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нисбатан қатъий интизомий чоралар кўриш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлигига тегишли тақдимнома киритишга қарор қилинди.

Шунингдек, мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, вилоятларида банк кассаларига топширилган нақд савдо тушумлари билан чакана товар оборoти ва пулли хизматларнинг амалдаги ҳажмлари ўртасида фарқларни аниқлаш, шунингдек, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса машиналари ва ҳисобкитоб терминалларидан фойдаланиш аҳволи юзасидан етарли даражада таҳлиллар ўтказилмаётганлиги, айрим тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг тегишли ҳужжатларсиз савдо фаолияти билан шуғулланаётганлиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда аҳолига маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш аҳволи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу борадаги аҳвол Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Элликқалъа, Қораўзак, Амударё, Мўйноқ, Кегейли туманларида, Жиззах вилоятининг Янгиобод, Фориш, Зарбдор ва Бахмал туманларида, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Нишон, Чироқчи, Қамаши туманларида, Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Қўшработ, Иштихон, Тойлоқ туманларида, Сурхондарё вилояти-

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

номлари юқорида келтирилган қонунларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бир неча маротаба фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайлов жараёнларида тўпланган амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, 2004 йилнинг апрель ойида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Бу йилги сайлов жараёнида ана шу қонун биринчи маротаба амалиётда синовдан ўтади. Шунинг учун мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва ундаги меъёрларга амал қилиш лозим.

— Сайловнинг асосий принциплари ва унда иштирок этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида қандай кафолатланган?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин "ўзини ўзи бошқариш органи" тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Қонунда унга қуйидагича таъриф берилган: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир". Кўриниб турибдики, мазкур меъёр моҳиятида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидан иборат экани ўз ифодасини топган.

Шу боис фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам бошқа сайловлардаги каби демократик тарзда, яъни маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириши лозим. Бундай эркин сайловлар орқали нафақат ўзини ўзи бошқариш органи шакилланади, шу билан бирга, фуқаролар йиғини, айниқса, сайлов орқали вазифасини бажаришга киришган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларининг жамият олдидаги масъулияти ҳам ошади.

Юридик манбаларда сайловлар муқобиллик, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, сайловчилар хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши таъминланган шароитда ўтгандагина демократик ҳисобланиши қайд этилган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда ана шу учта муҳим шарт тўлиқ кафолатланган. Хусусан, мазкур қонунда ошкоралик тамойили тўғрисида шундай дейилган: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади".

Ошкоралик принципини рўёбга чиқаришдаги яна бир талаб шундан иборатки, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда сайлов ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳолига ўз вақтида етказиши зарур.

Тенг сайлов ҳуқуқи — тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этишида намоён бўлади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тенг сайлов ҳуқуқи принципини рўёбга чиқаришдаги ўзига хос усулдан фойдаланиш мумкин. Яъни, бунда фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали сайловда билвосита иштирок этадилар. Бу ҳуқуқ ҳам қонунчилигимизда кафолатланган.

— Сайловни ташкил этиш жараёнлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Бу сайловни ўтказиш кенг қамровли ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Аввало, жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади. Бу комиссиялар тегишли ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашининг қарорига биноан ташкил этилади. Комиссиялар таркиби давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат ташкилотлар, жумладан, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакилларидан иборат бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг кўмаклашувчи комиссиялар таркибида бўлишига йўл қўйилмайди. Кўмаклашувчи комиссиялар қонунда белгиланган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, тегишли ишчи гуруҳ фаолиятини йўналтириб бориш, сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилиш, ишчи гуруҳдан туман, шаҳар ҳокими билан келишиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига доир ҳужжатларни қабул қилиш, сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш, ишчи гуруҳларнинг сайлов масалаларига доир ахборотларини тинглаш, сайлов якунларини чиқариш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳар бир фуқаролар йиғининг қарори билан раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни бевосита амалга оширувчи ишчи гуруҳлар тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ўша ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар йиғинлари вакилларидан иборат бўлади. Ишчи гуруҳ таркибига раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчилари вазифаларига номзодларнинг кириши мумкин эмас. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойини белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади, аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сайловда иштирок этадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам қисқача тўхталмоқчиман. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб беришлари лозим. Номзод қоида тариқасида олий маълумотли, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Номзодларга қўйиладиган бу талабларни ҳар бир ишчи гуруҳ янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим. Маслаҳатчилар вазифасига номзодлар эса фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Бунда холислик, ошкоралик, муқобиллик тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Мухтасар айтганда, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўз вақтида, бир маромда амалга ошириш сайловнинг муваффақиятли ўтишига имкон яратади. Ўз навбатида, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимизни сайловда фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга ҳамда шу билан жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз. Бинобарин, мазкур сайлов жараёни жамиятимизни ислоҳ этиш ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш жараёнида ўзига хос босқич бўлиб қолишига ишончим комил.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Тўрткўл туман марказий касалхонасида ўз касбига садоқатли, муомаласи ширин, муолажаси малакали мутахассислар меҳнат қилишади.

Айниқса шифохонанинг туғуруқ бўлимида тажрибали саломатлик посбонлари анчагина. Бугунги кунда бўлимда 7 нафар олий маълумотли шифокор ва 34 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. Туғуруқ бўлими асосан 40 ўринга мўлжалланган.

Ўтган йили бўлимда 2280 нафар жажжи ғўдак дунёга келди. Аслида бу шунча онага ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатилди, дегани.

СУРАТДА: мазкур шифохона туғуруқ бўлими бош шифокори Муборак Ражабова ва ҳамшира Роҳат Еримбетовалар чақалоққа тиббий хизмат кўрсатиш пайтида.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг Бандихон, Жарқўрғон, Термиз туманларида айниқса қониқарсиз бўлиб, уларда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш республика даражасидан бир неча мартага паст.

Мажлисда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарининг нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ топширилишини таъминлаш, ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконларини очиш борасидаги ишларининг самарадорлиги пастлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, мажлисда ҳудудларда мутасадди идоралар томонидан аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминловчи самарали механизмларни жорий этиш ва коммунал тўловлардан мавжуд қарздорликларни ундириш масаласига жиддий эътибор берилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида коммунал тўловлардан катта миқдорда қарздорликлар мавжуд. Мазкур ҳудудлардаги мутасадди идоралар томонидан ушбу қарздорликларни қисқартиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти.

Комиссия мажлисида ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ва республика тижорат банклари раҳбарлари зиммаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш, банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисидаги қарорлари талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу масалани қатъий назоратга олиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, Комиссия мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори ижроси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

2005-2006 йиллар давомида тижорат банклари томонидан муомалага жами 2,3 миллион дона пластик карточкалар чиқарилганлиги, 11 мингдан ортиқ терминаллар ўрнатилганлигига қарамасдан жойларда улардан самарали фойдаланилмаяпти. Хусусан, вилоятлар марказларида, Марғилон, Қўқон, Асака каби йирик шаҳарларда савдо дўконларида ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллардан унумли фойдаланилмаяпти. Бунга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан мазкур масалага етарли эътибор берилмаётганлиги, бу борада назоратнинг сусайтириб юборилганлиги сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларида, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа пунктларда тўловларни пластик карточкалар орқали йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди.

Мажлисда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Қонун мониторинги натижасига бағишланди

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидандир. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш, роли, ваколатлари ва таъсирини кучайтириш учун зарур барча ҳуқуқий асослар ва кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги натижалари юзасидан бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Мазкур институт директори Ф.Отаханов бошқарган тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова ва Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ғадойбоев ва бошқалар ушбу анжуманнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига бўладиган сайловлар арафасида ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давра суҳбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларнинг ўзаро боғланиши, мониторинг натижасида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини ахборот билан таъминлашга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Диёр оҳанглари янгради

Жиззахда республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Диёр оҳанглари» кўрик-фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

Уч кун давом этган фестиваль якунларига кўра, ҳайъат аъзолари вилоятнинг Ғаллаорол, Фориш, Дўстлик, Мирзачўл туманлари бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг тадбирга пухта ҳозирлик кўрганликларини таъкидлашди.

«Бахмалимга бир келинг» лапари, «Зоминча ўлан» ҳамда Жиззах тумани ҳаваскорлари тақдим этишган «Қулф очар» фольклор дастури ҳам республика телевизион фестивалида намойиш этиш учун тавсия этилди.

Шаҳарнинг қадимий «Ўрда» истироҳат боғида уюштирилган фестивалда қатнашган томошабинлар жозибадор миллий санъатимизнинг нақадар ривожланиб бораётганлигининг, ижодкор, истеъдодли ёшлар сафи тобора кенгаяётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНДИШАНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Эй, одамзод, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш фурсати етди.

Ислом КАРИМОВ.

Қози бир кишини асоссиз айблаб, тошбўрон қилиш ҳақида ноҳақ ҳукм чиқарибди. Шўрликни кўча четидаги дарахтга боғлаб қўйишибди. Ўтган ҳам, қайтган ҳам унга тошми, кесакми отар экан. Ҳалиги кишининг яккаю ягона жигари — укаси қозининг амрини бажарай, кўпдан қолмай деб чопонининг баридан бир чимдим увада пахта юлиб, намлабди-да акасига қараб отибди. Шунча тошкесак тегиб, юз-кўзи қонга беланса ҳам "вой" деб овоз чиқармаган ҳалиги киши пахта тегиши билан додлаб юборган экан.

Ҳар гал Андижон воқеаларини ўйлаганимда, ана шу ҳикоят эсимга тушади. Ҳа, кишига бегоналар отган тош зарби унча билинмаслиги мумкин. Аммо ўзингники ўзагингни ўяман деса-чи?!

Ўша фожиали воқеалар юз берган куни мен ҳам ИИВ Матбуот маркази ходимларига рахбарлик қилиб, Андижонга етиб бордим. Террорчиларнинг ваҳшийликларига ҳам, халқнинг бундан ғазабланганлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Микрофон, камера кўтариб юрганимизни кўриб бир гуруҳ аёллар ёнимизга келишди. Бир-бирларига гал бермай гапира кетишди:

— Биз палаги тоза инсонлармиз. Ҳақиқий андижонлик ҳеч қачон ўз халқига қўл кўтармайди, ўз қавмининг қонини тўкмайди. Бу қонхўр, юртбузарлар бизнинг қавмимиздан эмас.

Улар қонлари қайнаб турган бўлса ҳам, ҳақ гапни айтаётган эдилар. Чунки пайғамбаримиз (с.а.в) киши ким билан бирга бўлса, ўшанинг қавмидан бўлади, деганлар. Энди ўзингиз айтинг, ўзларини залолатга бошловчи раҳнамоларига эргашиб обод жойларни вайрон қилган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан бу кимсаларни қайси қавмга қўшиш керак? Ҳар ҳолда, ўз юртини гулларга буркаган андижонликлар қавмига эмас...

...Бир аёл ўғлининг мурдаси тепасида сочини юлиб, уввос тортиб йиғлаяпти.

— Қаёқданам милисага ишга кирдинг, болам? Бошқа касблар бор эди-ку! Энди гулга кирганда хазон бўлган болам-ей! — дейди у уввос солиб.

Аёлга нима деб таскин беришни билмайман. Хаёлимга келган гаплар назаримда, бачкана, арзимас, суньийдек туюлаверади. Шу пайт сочларига оқ оралаган бир акахонга кўзим тушди. У подполковник формасидаги йигитнинг қонга беланган жасадини бағрига босиб, унсиз йиғларди. Тўғриси, ҳаётда аёлларнинг йиғисига анча кўникиб қолганмиз, яъни, улар хафа бўлишса ҳам, қувонишса ҳам кўз ёши қилаверишади. Аммо эркак кишининг йиғиси еру кўкни титратади, юракларни ларзага келтиради. Шунинг учун, нима қилиб бўлса ҳам, бу кап-катта кишини ўкириб йиғлашдан тўхатиб қолиш учун ёнига келсам, у:

— Ўғлим, сендан у дунёю бу дунё розиман! Илойим, жойинг жаннатда бўлсин, — деяётган экан. Бу сўзларни эшитиб, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Акахон аҳволимни кўриб:

— Нега йиғлайсиз, йиғламанг, — деди ўзи ҳам кўз ёшини тия олмай ўксиб-ўксиб йиғлар экан. — Бир бошга бир ўлим. Болагинам чинакам эр йигитнинг ўлимини тогди. Шаҳид кетди. Эл-юртимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлай деб қурбон бўлди. Бу ҳаммагаям насиб этавермайди.

Ўзим истеъфодаги подполковникман. Ўғлимнинг математикага қобилияти кучли эди. Ўша соҳани танла десам ҳам, йўқ, сизнинг ишингизни давом эттираман, ота изидан борганлар кам бўлмайди, деб кўнмаганди. Нури дийдамнинг қони бекорга тўкилгани йўқ. Унинг қони қутлуғ қондир...

Гўё мен унга эмас, у менга таскин бераётгандек эди. Шу сўзлардан сўнг юрагимни ғурур ҳисси эгаллади. Ўғлининг жасади тепасида туриб шундай сўзни айта олган отани, шу ота мансуб Андижон халқини ҳеч ким енга олмаслигига иймон келтирдим.

Эгали юрт эркини бермас

Халқ бир бўлса, жипс бўлса, уни енгадиган куч дунёда топилмайди. Ўшанда тинчлигимизни кўра олмайдиган ғаламислар элимиз орасига қутқу солишга уриндилар. Юртбошимиз: "Эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл..." — деганларида нақадар ҳақ эдилар.

Ўзбек халқи не-не оғир кунларни бошидан кечирган. Ҳамиша қийин дамда элимиз янаям жипслашган, меҳр-оқибати кучайган. 1966 йилги Тошкент зилзиласи ҳамон ёдимда. Ўшанда одамлар бир-бирига ҳар доимгидан ҳам меҳрибонроқ, ғамхўрроқ бўлиб қолганди. Қавм-қариндошлар, қўни-қўшниларгина эмас, ҳатто узоқ танишлар, етти ёт бегоналар ҳам бир-бирига ёрдам қўлини чўзган.

Ёки 1999 йил 16 февраль воқеаларини эсланг. Ўшанда ҳам халқимиз Юртбошимиз теварагида астойдил жипслашганди. Жамоатчилик вакиллари дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини айблашга тушиб кетишмади. Биз қаёққа қарадик, дейишди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқарди. Айрим ота-оналар ёт оқимлар таъсирига тушиб қолган болаларини қўлидан етаклаб ички ишлар бўлимларига олиб келганига ўзим гувоҳ бўлганман. "Боламизни қутқариб қолинглар, бизнинг сўзимизни қулоғига олмаяпти, аллақандай ҳужраларга қатнаяпти. Бу ишининг охири войлигини унга тушунтиринглар. Жон укалар, ёрдам беринглар. Биздан ўтибди, фарзандимизга эътиборсизлик қилибмиз", — дейишганди улар.

"Андижон воқеалари чоғида ички ишлар ходимлари дастлаб саросимага тушиб қолишди, агар улар ўз вақтида қурол қўллашганида қурбонлар сони бундан кам бўларди" деганлар ҳам топилди. Менимча, милиция ходимларини қўрқоқликда, журъатсизликда айблаш инсофдан эмас. У ҳолда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг руҳини безовта қилиб қўямиз.

Тинч замонда одамга қарата ўқ узишнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто уруш шароитида ҳам бу осон кечмайди. Фақат кўзлари қонга тўлган, онги сохта ғоялар билан заҳарланган, юраги тошга, ўзи манқуртга айланган кимсаларгина одам ўлдираётганда, сўяётганда бирор туки ҳам қилт этмайди. Ваҳоланки, Аллоҳ наздида энг оғир гуноҳлардан бири одам ўлдиришдир. Андижонда қанчалаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўккан террорчиларнинг ғоявий раҳбари Акром Йўлдошевга буни айтганимда, тутган йўллари хато эканлигини тан олди. Аммо энди кеч – ғишт қолипдан кўчган эди.

Ўзбеклар сабр-бардошли, раҳмшафқатли халқ. "Сабр таги– раҳмон", "Отангни ўлдирганга онангни бер" дейди улар. Аммо андишанинг ҳам чек-чегараси бор. Сабр косаси тўлгач, ўзбекдек шижоатли, қони қайноқ, ғазабкор халқни топиш қийин. Андижон фарзанди Абдулҳамид Чўлпон "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир" деб бекорга айтмаган. Бу куч билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан буён элимиз кўп синовлардан ўтди, истиқлол йўлида қурбонлар берди. Бу синовлар чоғида чиникди, дўст киму душман кимлигини билиб олди. Айниқса, бошимизга оғир кун тушганда — Андижон воқеалари чоғида кўп нарса аён бўлди. Террорчилик ҳаракати юз беришидан олдин худди буни олдиндан сезгандай қатор хорижлик журналистларнинг Андижонга етиб боргани мутахассислар тугул, оддий одамларни ҳам ўйлатиб қўйса керак. Баъзи бир давлатлар расмий вакилларининг ушбу воқеалар юзасидан текшириш ўтказиш учун мустақил комиссия тузиш керак, деганини қандай тушуниш мумкин. Улар мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишга ҳақлари йўққу. Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари "Андижонда тинч намойишга чиққан аҳоли ўққа тутилди", деб айиҳаннос солишидан мурод не эди? Ўзларини қип-қизил демократ деб ҳисоблайдиган баъзи давлатлар ҳатто ўз ҳудудларида ўтказиладиган сайловларга ҳам четдан бирорта кузатувчини қўйишмайди-ку. Айнан ўша мамлакатларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар юз бериши, инсон ҳуқуқларининг топталиши, уларнинг аскарлари демократия ёйиш учун қадам қўйган жойларида биродаркушлик урушлари бошланиб кетгани, кунда-кун ора портлашлар, қўпорувчиликлар бўлиб тургани, қанчалаб одамлар ҳаётдан кўз юмаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку.

Ҳали-ҳануз ғаламислар мамлакатимиз шаънига туҳмат тошлари отиб туришибди. Нима эмиш, Андижон воқеалари чоғида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган юзлаб ўзбеклар қочоқ мақомини олиб, чет элларга бош олиб кетишга мажбур бўлишган эмиш. Хўш, ким уларни қувғин қилибди? Марҳамат, келишсин, ҳақларини қонун доирасида талаб қилишсин, жиноят содир этган бўлишса, қонунга кўра жазоларини олишсин. Қўллари қонга ботмаган бўлса, хатоларини англаб етган бўлишса, тавба қилишсин, халқдан кечирим сўрашсин. Қанчаси тавба-тазарру қилиб келишди ҳам. Уларни ҳеч ким тошбўрон ёки сазойи қилгани йўқ. Хориждаги ҳомийларию раҳнамолари қўлида қўғирчоқ бўлгандан кўра эслари борида этакларини ёпишсин. Бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юриш, кимларнингдир садақалари ҳисобига кун кўриш жонларига ҳам теккандир. Ватанларини, яқинларини соғингандирлар. "Эгилган бошни қилич кесмас" дейдилар. Келишсин, яна эл қаторига қўшилишсин.

"Нега баъзи кимсалар Ўзбекистон шаънига туҳмат тошини отишдан чарчашмаяпти? Биз бировнинг ишига аралашмасак. Тинчгина меҳнат қилишни маъқул кўрадиган халқ бўлсак. Бировнинг арпасини хом ўрмаган бўлсак" дерсиз. Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлаб кўрганман. Ҳақиқатан, дунёда ўзбекдек меҳнаткаш, уйим-жойим, болам-чақам дейдиган халқ кам топилса керак. Ўйлаб-ўйлаб, бунинг сабабини топдим. Бизнинг халқимиз бамисоли узоқ, порлоқ манзилни кўзлаб йўлга чиққан катта карвонга ўхшайди. Карвон қанча катта бўлса, бой бўлса, унга кўз олайтирувчилар ҳам шунча кўп бўлади. Халқимиз топиб айтган бир гап бор: "Ит ҳурар, карвон ўтар". Ҳар бир акиллаган итга эътибор берадиган бўлса, карвон йўлдан қолади. Кўзлаган манзилимиздан, мақсадимиздан чалғитмоқчи, йўлимизни тўсмоқчи бўлганларга эса айтадиган бир гапим бор. Бундайлар у қулоғига ҳам, бу қулоғига ҳам қўрғошиндек қуйиб олишсинки, нурли манзилларни кўзлаб сафарга чиққан карвонимизнинг қатъиятли, доно сарбони бор. Мард, жасур қўриқчилари бор бу карвоннинг. Оёғимиз остида ўралашадиганларга қарата: "Пўшт, карвон ўтяпти!" деб айтгим келади.

Азиз ЭРНАЗАРОВ, журналист.

МИЖОЗЛАР ХИЗМАТДАН МИННАТДОР

Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигида эришилаётган муваффақиятларда банкларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Ширкат ва фермер хўжаликларига ўз вақтида кредит маблағлари ажратилаётганлиги, улар ҳисобига техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари харид қилинаётганлиги, бир сўз билан айтганда, мижозларга сифатли молиявий хизмат кўрсатилаётганлиги боис шартнома режалари муддатидан олдин амалга оширилмоқда.

"Пахтабанк" Навоий вилояти бошқармасининг 8 та туман филиали ва 16 та мини банки томонидан айни пайтда, мулк шаклидан қатъи назар, олти мингга яқин хўжалик юритувчи субъектга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда уруғликни ерга қадашдан то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган жараёнлар имтиёзли равишда кредит маблағлари билан таъминланаяпти. Ўтган йилнинг ўзида ширкат ва фермер хўжаликларига пахта тайёрлаш учун 5854,1 миллион сўм, ғалла учун 169,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 394,3 миллион сўмлик турли русумдаги техника воситалари лизинг асосида олиб келинди. Осиё Тараққиёт банкининг кредит линияси йўналиши бўйича эса фермерларга 679 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Бу маблағ ҳам техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга йўналтирилди.

Табиийки, бундай ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Масалан, ҳозиргача пахта хомашёси етиштириш учун 2427,5 миллион сўм, ғалла учун 944,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари берилди. Шу билан бирга, 280 миллион сўмга мамлакатимизда ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий техника воситалари лизинг асосида олиб келинди. Осиё Тараққиёт банки томонидан эса шу мақсадда 200 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Банкнинг вилоят бошқармаси томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мижозлар ўртасида жойлаштирилаётган пластик карточкалар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда эса ана шундай замонавий

Банк тизими

ҳамёнга эга бўлган мижозлар сони 23 мингтадан ошди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар миқдори ҳам ортмоқда. Жами 84 та терминал бўлиб, улар ёрдамида йилига нақд пулсиз миллионлаб сўмнинг савдо айланмаси амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, иккита банкомат ҳам мижозларга пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Банк бўлимларининг нақд пул тушумини кўпайтириш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш ва мижозларни ўз вақтида пул билан таъминлаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Чунончи, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда коммунал тўловларни қабул қилиш мақсадида 3 та махсус касса ва машинадан иборат сайёр касса ишлаб турибди. Бу борада, айниқса, электр тармоқлари, газлаштириш идоралари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Пировардида жорий йилнинг 1-чорагида банкка 7868,6 миллион сўм нақд пул келиб тушди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 142 фоиз кўпдир. Маблағларнинг асосий қисми эса савдо, коммунал соҳалари ва банкдаги омонатларга жалб этилган маблағлар улушига тўғри келади.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш, уларга манфаатли ва қулай омонат турлари тақдим қилиш боис ҳам мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб бораяпти. Буни омонатларга қўйилган маблағлар мисолида яққол кўриш мумкин. Мисол учун, ҳозирги кунда омонатларда 1540 миллион сўм пул мавжуд. Айниқса, "Навбаҳор", "Қувонч" ва "Наврўз" омонатларига қизиқиш катта.

Амалга оширилаётган тадбирлар туфайли, аҳоли ва мижозларнинг пенсия, нафақа ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаш имкони яратилмоқда. Нақд пул масаласида одамларнинг эҳтиёжи доимо ўрганиб борилаётганлиги бунда қўл келаётир.

— Мақсадимиз кўрсатилаётган молиявий хизмат турларини доимий равишда такомиллаштириб боришдан иборат, — дейди банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Улуғбек Раззоқов. — Шу боис биз мижозларнинг таклиф ва истакларини мунтазам равишда ўрганиб бораяпмиз. Бу иш фаолиятимизда ўз ифодасини топаяпти. Келгусида эса мижозларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган хизмат турларини жорий этиб, мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига муносиб улуш қўшиб бораверамиз.

Қурбон ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Дунё аҳолисининг 110 миллиони француз тилида гаплашади. 70 миллион киши эса бу тилни ўзининг иккинчи тили ҳисоблайди. Мамлакатимизда ҳам француз тилига қизиқиш катта. Ҳозир республикамиз олий ўқув юртлари ва мактабларида 430 минг талаба ва ўқувчилар ушбу тилни ўрганмоқда. Уларга 3500 нафар олим ва ўқитувчи сабоқ бераяпти.

Француз тили байрами

Кеча Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида бўлиб ўтган (Франкофония) француз тили байрамида шулар ҳақида гапирилди. Франция ҳамда Руминиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда француз тили ўқитувчилари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Франкофония куни 1970 йилдан буён дунё бўйлаб нишонлаб келинади. Бу йилги байрам 16 март куни Парижнинг Китоблар салонидаги кўргазма билан бошланиб, 9 октябрда француз тилида ижод қилувчи сенегаллик ёзувчи Леопольд Селар Сенгор таваллудининг 100 йиллик юбилейи билан якунланади.

Француз тили байрами муносабати билан Ўзбекистонда ҳам қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, талабалар ўртасида театр танлови, француз тили билимдони масобақалари уюштирилди. Бу танловларда ғолиб чиққан талабалар Ю. Алиев, А. Ширинов ҳамда С. Хўжаев ёзги таътил пайтида ўн кун Францияда ўтадиган фестивалларда иштирок этади.

Тадбирда Франция ҳамда Руминиянинг Ўзбекистондаги элчилари Жак-Бернар АРТ ва Константин Алекса сўзга чиқиб, бундай тил байрамлари халқларни бир-барига яқинлаштиришини, мамлакатимизда жаҳон тилларини, жумладан, француз тилини ўрганишга катта эътибор берилаётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 февралдаги «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 14-сонли қарорига асосан ЎЗБЕКИСТОН ТЕХНИК-МУҲАНДИСЛИК ҚИДИРУВ БОШ ИНСТИТУТИ («O'ZTMQBI») ОАЖ қайта тузилиши муносабати билан ўз фаолиятини тугатади.

Янги ташкил этилган Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти «O'ZTMQBI» ОАЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Даъволар бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 38-уй. Телефон: 78-43-01.

Кузатув кенгаши.

2482H/697

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга лойиҳа ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Лот №2— газлаштириш:

Лот №2-1. **Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Мирдош» ш/х (А.Икромов) Мирдош ва Навандақ қишлоқларида юқори босимли газ қувури тармоқлари қурилиши (2-босқич).**

Лот №2-2. **Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Ижанд, Дегрез, Қизилработ, Қирқариқ, Гидроузел, Ҳужум, Ялтиработ қишлоқ аҳоли пунктларига юқори ва ўрта босимли газ қувури тармоқлари қурилиши.**

Объектларнинг қурилиш муддати — 2006 йил 3-чорак якуни.
Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига. Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун – 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги 303-сонли қарорига асосан автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида тижорат асосида ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги муносабати билан "Халқ сўзи" газетасининг 2006 йил 11 мартдаги 48 (3847)-сонида чоп этилган "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказиш" жадвали бекор қилиниб, уни ўтказиш муддатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

2006 йилнинг 1 июнига қадар юридик шахс-ташкилотларни ташкил этиш тадбирлари тугатилгандан сўнг очиқ тендер ўтказиш бўйича эълон қайтадан чоп этилади.

Талабгорлар томонидан тендер пакет ҳужжатларини сотиб олиш учун тўланган тўловлар ҳисобга киритилади.

Тендер таклифлари фақат юридик шахслардан қабул қилинишига эътиборингизни қаратамиз.

Маълумот учун телефон: 133-34-87.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ.

ҲУРМАТЛИ ИНВЕСТОРЛАР!

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

биржада рўйхатдан ўтган брокерлик идораларининг жадвалини эътиборингизга ҳавола қилмоқда. Улар ёрдамида сиз қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида акция, облигацияларни сотишингиз ёки сотиб олишингиз мумкин.

РФБ «Тошкент» ОАЖ Тел.: 136-14-31, 136-76-13. Факс: 133-32-31.

«Тошкент» РФБда рўйхатга олинган брокерлик идораларининг жадвали

№ Б\И	Брокерлик идорасининг номи	Брокерларнинг исм-шарифи	телефон рақамлари
	Қорақалпоғистон Республикаси		
339	"Акция-реестр сервис" МЧЖ	Утегенов Жалгасбай Абдреймович	(3612) 23-50-05
388	"BAHALI QAGAZLAR" ХФ	Тлеумуратов Абатбай Медетбаевич Цой Владимир Вячеславович	(3612) 23-14-15
	Андижон вилояти		
228	"Идрок" ИК	Гиясов Ботиржон Музаффарович Усманов Отабек Маҳамадалиевич	(3742) 24-53-88
264	"Шамс Инвест" ИК	Шахзадаев Дилшод Саидмурадович Хуруллаев Раҳматулла Аҳмадуллаевич	(3742) 24-53-88
373	"Oltin toj-GM" МЧЖ	Мискинов Зуфарбек Зухиритдинович Ибрагимов Козимжон Исроилович	(3742) 23-22-55
336	"Ҳамкор-брок" КК	Латифжанов Адҳамбек Раҳимович Мўминов Отабек Хашимович Мирзаханов Шавкат Гулямович	(3742) 24-75-31
	Бухоро вилояти		
78	"Прогресс-Инвест" ИК	Алимджанова Сайёра Сайфуллаевна Хаитов Сайфулло Сафарович	(3652) 23-86-40
257	"Офтоб-инвест" ИК	Исаев Шароф Шукурлаевич Саидова Сабохат Шукуровна	(3652) 23-59-40
284	"Дисконт" МЧЖ	Пўлатов Бахтиёр Ибодович Нафетдинов Комилжон Шавкатович	(3652) 23-89-10
	Жиззах вилояти		
351	"LIBRO-TMZ" МЧЖ	Тошбоев Муртоз Ярбаевич	(3722) 26-26-89
386	"Jasurinvest" МЧЖ	Тўраев Шерали Мамадиярович Мақсудов Шукрулло Ҳамидуллаевич	(998712) 189-13-18
396	"Imkom brok" ХК	Каттабеков Абдужаббар Мамасолиевич	(998712) 188-46-47
	Қашқадарё вилояти		
358	"Акция-бизнес" МЧЖ	Бобоев Салимжон Ҳайдарович	(375) 227-64-89
379	"Файз-инвест" ИК	Қувватов Бегали Рўзибаевич Очилов Олим Худайназарович	(375) 221-15-98
	Навоий вилояти		
354	"Klassik servis" ХФ	Ҳайдаров Шавқиддин Қўзиевич Хикматов Ортиқ Аҳмадович	(436) 224-15-21
400	"Manzur invest" ХФ	Шарипов Санжар Садриддинович	(436) 224-152-1
	Наманган вилояти		
295	"Бакс плюс" МЧЖ	Скоров Эмиль Владимирович Миронов Евгений Эдуардович	(99871) 133-96-21
391	"XUBON INVEST" МЧЖ	Закирходжаев Аббосходжа Холходжаевич Закирходжаев Исмоил Холходжаевич	(3692) 26-86-05
393	"Zamon invest" МЧЖ	Турсунов Зухриддин Пазлиддинович Мухитдинов Нурилло Камалович	(3692) 26-72-14
	Самарқанд вилояти		
392	"Aziza-Aziya-invest" МЧЖ	Асланов Азамат Убайдуллаевич Хашимова Нодира Мусаевна	(3662) 23-25-74
	Сурхондарё вилояти		
122	"SURXON INVEST"	Аннаев Акмал Уктамович Каюмов Маҳмуд Маннонович	(3762) 23-01-65
402	"Истиқлол" БК	Абдураҳмонов Мухиддин Раҳматуллаевич Холназаров Олламурад Худойбердиевич	(3762) 22-86-33
	Фарғона вилояти		
334	"Фергана Инвест" ШК	Кенджаев Мақсуджон Раҳматджанович Фазылов Дилмурод Муҳамадсобирович Маткаримов Абдуллажон Убайдуллаевич	(3732) 24-68-80
395	"Келажак сармоя" ХК	Сайдуллаев Саиджон Файзуллаевич Жўрабоев Одилжон	(998712) 114-62-36
	Хоразм вилояти		
100	"Инвест сервис"	Рўзметов Кудрат Салаевич	(3622) 26-8715
349	"Brok Stock" МЧЖ	Сорокина Наталья Валерьевна Атаханов Раҳим Ғаниевич	(99871) 136-11-24
401	"Naymon brok" ХК	Кенжаев Алишер Жуманазарович	(99871) 136-11-24
405	"Хоразм гулшани" МЧЖ	Абдуллаев Шерзод Ғаниджанович Ниязов Мансурбек Баходирович	(362) 512-17-11
	Тошкент шаҳри		
1	РАТБ "РАХТА BANK"	Хуснутдинова Нодира Эркиновна Бурханов Фируз Лутфиллаевич Хамдамов Омонилло Машрабович	(99871) 173-25-51
4	"Вест-Брок" ХФ	Ким Наталья Эдуардовна Соболева Ольга Михайловна Соболев Павел Юрьевич	(998712) 53-53-06
38	"Татат" МЧЖ	Зарецкий Игорь Иванович Хаитбаев Дильшод Рашидович	(99871) 144-63-47
44	" Галла-Инвест" ИК	Тожиев Отабек Самиевич	(99871) 132-32-27
84	АТИБ "Ипак Йўли"	Мовлонов Навфал Хамидович Имамходжаева Жамиля Хакимовна	(998712) 76-18-74
91	"General pool" ИК	Шохаъзмий Шохрасул Шохмансур ўғли	(998712) 76-53-09
109	ЎзР ТИФ Миллий банки	Гаппаров Равшан Баходирович	(99871) 137-59-42
111	АТ "Саноатқурилишбанк"и	Байманова Лола Рамазановна Носиров Дилшод Баҳадирович	(99871) 120-45-34
144	АТБ "АСАКА"	Кочмарик Андрей Изидорович Апухтина Татьяна Викторовна	(99871) 120-82-37
156	"Birjasarmoyasavdo" ИК ОАЖ	Мавлянов Равшан Анварович Артиков Назрулло Сайдуллаевич	(998712) 41-04-60
170	РАТБ "Ғаллабанк"	Муратов Алишер Акмалович	(99871) 136-16-17
182	АТИБ "Ипотека-банк"	Усманов Суннатилла Ходжиакбарович	(99871) 132-12-93
241	"Ўзбекинвест сармоялари" ИК	Ибрагимов Фархад Маратович Муракаев Ильдар Фердоусович	(99871) 136-58-25
340	"SUV INVEST" ОАЖ	Арипов Маҳмуд Ғаипович	(99871) 125-52-92
353	ФИК "Toshvil invest" MChJ	Нарзиқулов Улуғбек Мухиддинович	(998712) 56-67-24
366	"JSHONCH INVEST LLC" МЧЖ	Шакиров Бахтиер Тоирович Абдазов Шухрат Раҳматджанович	(99871) 133-50-98
367	"Bisiness invest" МЧЖ ИК	Мусалиев Александр Евгеньевич	(99871) 120-47-96, 120-47-96
368	"Туркистон Инвест" ИК	Ким Олег Владимирович	(99871) 132-12-82
370	ХОАТБ "Ravnak-Bank"	Хамипова Альмира Фаритовна	(99871) 144-90-10
371	"Realkom" БК	Бағбеков Алишер Жуманиязович	(99871) 366-53-09
377	"Real trast" МЧЖ	Қушбаева Адолат Курбанбаевна Мирзаев Хатам Ибрагимович Мусаев Абдукарим Сулайманович	(99871) 136-20-58
381	"Uzbroksarmoya" МЧЖ	Ергешев Шухрат Юлчибаевич	(99871) 128-74-81
382	"Dalal standart" МЧЖ	Балаян Грач Юрьевич Борисов Андрей Эдуардович Раҳимбаев Жаҳонгир Мухидинович	(99871) 136-76-55
384	"Ansher Securities" МЧЖ	Авдеев Игорь Сергеевич Абдужаббарова Гульноза Абдусаттаровна	(99871) 137-09-06
389	"Kapital brok" ШК	Саъдуллаев Зафар Файзуллаевич Наджимидинов Бахтиер Мансурович	(99871) 134-04-82
390	"TENET INVEST" ХК	Пак Дмитрий Валерьевич Аллахвердян Эрнест Вячеславович	(99871) 175-03-97
394	"INSTEP-GLOBAL" МЧЖ	Умаров Комил Каримович	(99871) 41-09-18
397	"Time investmens" ШХЖ	Карюкина Людмила Энгельсовна Инагамова Саодат Ғайратовна	(99871) 127-25-637
398	"Milana-vest" МЧЖ	Яппарова Наиля Викторовна	(99871) 341-89-60
399	"East business invest" ОАЖ ИК	Зиямуҳамедов Улуғбек Муҳамедкаримович	(99871) 132-07-34
403	"Delta Max Broker" МЧЖ	Хамрабаев Биллурбек Ибрагимович	(99871) 132-18-40
404	"Suprime trade" МЧЖ	Хидиров Нурбек Улуғбекович	(99871) 133-62-73
406	"Humo invest" МЧЖ	Исламов Шухрат Джураевич	(99871) 174-76-55

«Ўзқишлоқмаш-холдинг» холдинг компанияси ва «Тошқишлоқмаш» ОАЖ жамоалари «Тошқишлоқмаш» ОАЖ бошқаруви раиси Абдурасул Рўзматов ҳамда «Технолог» ОАЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Абдураҳим Рўзматовларга оналари
Миновар РЎЗМАТОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси бошқаруви «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Тоҳир Ашуровга падари бузруквори
ТИЛАВҚУЛ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси Олий математика кафедраси профессори Назиркул Шербоевга онаси
ЗАРҲОЛ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Асаб касалликлари кафедрасининг мудири, профессор Гулчеҳра Содиқовага падари бузруквори
ҚОБИЛЖОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

GURUNG

Болаликдан бирга ўсиб-улғайган дўстим бўлар эди. Афсуски, у кўп йиллар муқаддам қирчиллама йигит ёшида ҳаётдан кўз юмди. Гоҳо ана шу дўстимни эслар эканман, унинг ўлимига касаллик ёки бемаврид фалокат эмас, балки ИРОДАСИЗЛИГИ сабаб бўлмаганмикан деб, ўйлаб қоламан. Бир қарашда бу фикр ғайритабиий туюлиши мумкин. Аммо мен дўстимни яхши билар эдим. У билан тонг отгунча ёшлик орзу-умидлари, севги-муҳаббат ҳақида мириқиб гурунглашардик.

Ирода

Мундоқ қараганда, дўстимни тақдир ҳеч нарсадан қисмаган, пешонаси ярқираган бир йигитдай бахтли-саодатли бўлиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммаси унда муҳайё эди. Мактабда яхши ўқигани учун пойтахтдаги энг нуфузли институтга ўз кучи билан ўқишга кирганди. Пулга ҳам зориқмасди. Хуллас, ҳар жиҳатдан омадли эди. Унга кўпчиликнинг ҳаваси келарди.

Ана энди тасаввур қилинг, шундай йигитни охир-оқибат ҳаёт гирдоби бир четга суриб, чиқариб қўйди. Ва бунинг сабаби ҳам, менинг фикри ожизимча, ўша — ИРОДАСИЗЛИК эди.

Хўш, мен нега шундай хулосага келдим?

Дўстим ҳаётда арзимас қийинчиликка, кичкина бир муаммога дуч келиши ҳамоно гангиб, мувозанатини йўқотиб қўяр, ўзини оқим ихтиёрига ташлаб қўйган одам ҳолига тушар эди. Шундай маҳалда ҳамма унга хайрихоҳ бўлиши, ўз ишини ташлаб, ёрдамга ошиқиши лозимдай эди. Аммо мураккаб ҳаётнинг шафқатсиз қонуниятлари борлигини дўстим билмас, билса ҳам, тан олгиси келмас эди.

Ҳаётга мослаша олмаслик, кўрпага қараб оёқ узатмаслик турли кўнгилсизликларни келтириб чиқараверди. Шунинг оқибатида дўстим ўқишни ҳам (кечки бўлимда ўқирди) ташлади, ишдан ҳам бўшади. Севган қизи билан аразлашди. Кундалик тирикчилиги учун пул сўрамаган одами қолмади. Таниш-билишлар уни кўрганда ўзларини олиб қочадиган бўлишди. Бояқишнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Чамаси, у "Э аттанг, шундай ақлу ҳунар, истеъдод эгаси увол бўлибди-ку, қани, бу ёққа юрингчи", дея кимнингдир жонига аро киришини, илоҳий бир мўъжиза рўй беришини истар эди. Аммо мўъжиза эртаклардагина рўй беради.

Унга яқин дўст, хайрихоҳ сифатида қўлимдан келганча ёрдам қилдим, маслаҳат бердим. Аммо ўзим ҳам ижарада аранг кун ўтказаётганим учун унинг мушкулини осон қилолмасдим.

Дўстим улкан шаҳар билан боғлиқ ҳою ҳавасларини ноилож ичига ютиб, бир амаллаб қишлоғига жўнаб кетди. Қишлоқда хонадони катта, кекса ота-онаси, укалари, сингиллари бор эди. Афсуски, жигаргўшалари билан ҳам муомала-муносабатни йўлга қўёлмади. Ота-она оддийгина тўй қилиб, уни уйлаб қўйишди. Зора, шундан кейин бир ишнинг бошидан тутиб, ўзидан тиниб-тинчиб кетса, деб умид қилишди. Йўқ, бундай бўлмади.

Дўстим ҳамиша, ҳаммадан, ҳамма нарсадан норози эди... Унингча, ҳамма нарса бошқача бўлиши лозим эди. Аммо бунинг учун, аввало, у феълини ўзгартириши, ҳаётда нима топса, инсон феълидан топажаги ҳақидаги кўҳна ҳақиқатни англаб етмоғи лозим эди. Афсуски, хом сут эмган банданинг шаклланган феъл-атворини ўзгартириш кўп мушкул иш...

Муттасил асабийлик, умидсизлик ҳар қандай соғлом одамни ҳам адои тамом қилар экан. Энди дўстимни руҳий соғлом одам қаторига қўшиш қийин эди. У ростдан ҳам савдойи-дарвешга ўхшарди. Ахийри исмсиз-асоссиз ғам-ғуссалар, дарду аламлар ўз ишини қилди...

Кўнглимдаги армон эса ҳали ҳамон тинчлик бермайди: "Мабодо, дўстим иродалироқ бўлганда эди, балки..."



Дўрмон ҳангомалари

Ёзувчиларнинг Тошкент яқинидаги Дўрмон ижод уйи не-не табаррук зотларнинг мароқли, дилкаш суҳбатларига гувоҳ бўлган мўътабар, файзли даргоҳ. Ажабо, умрнинг оқар сувдай ўтишини қарангки, ана ўшандай қувноқ гурунглар ҳам баъзан тарихга айланаётгандай. Ушбу ҳангомаларнинг ёзилишига Дўрмондаги ана ўша ажойиб, бетакрор гурунглар, беғубор ҳазил-мутойибалар, лутфлар туртки бўлди.

«Лунжимга боса қолсин»

Абдулла Қаҳҳорни бир куни кўрсатувга таклиф қилишди. Кўрсатув бошланишидан олдин ёш муҳаррир ёзувчидан сўради:

— Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?

— Йўқ, мен қоғозсиз ҳам гапираверараман.

— Узр, бизда тартиб шундай, фикрларингизни "юқоридагилар"га тасдиқлатиб олишимиз керак.

— Ундай бўлса, айтинг, ўша "юқоридагилар"ингиз муҳрини лунжимга босиб қўя қолишсин.

...Етти томчи чой

Миртемир домланинг аҳён-аҳён бир қадаҳ коньяк ичиб турадиган одати бор эди. Бироз тоблари қочгач, масаланинг бу томони қандай бўлди энди дея дўхтирдан очиқ маслаҳат сўрайди. Дўхтир — ҳазилкаш, ёшгина йигит дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб, сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган бир антиқа чора топади.

— Ҳамма нарсанинг йўли бор, домла. Сизга шундай маслаҳат — мана бу ёзилган дориларни ичасиз, кейин истасангиз, бир қадаҳ чойга етти томчидан коньяк қўшиб ичаверинг, фақат бундан ошириб юборманг.

Қулоғи оғирроқ бўлган шоир маслаҳатни ўзича тушунади. Орадан бир ҳафта ўтгач, аҳволи оғирлашиб, яна ўша дўхтирга рўбарў бўлади. Шоирни обдон текшириб кўрган дўхтир хавотирланиб сўрайди:

— Домла, дориларни ичдингизми?

— Ичдим, бўтам, ичдим. Бир қадаҳ коньякка етти томчидан чой қуйиб ҳам ичиб турдим.

— Йўғ-э?! Ахир мен бунинг тескарисини айтувдимку, отахон?!

— Демак, дозасини сал оширворибмиз-да, бўтам. Аттанг...

Ишонтириш усули

Бир зиёфатда ўзбекнинг Афандиси деб ном чиқарган ёзувчи Адҳам Ҳамдам хайрлашаётиб, мезбонга ҳасрат қилади:

— Янгангиз жуда ҳам рашкчи-да! Ўзим шафтолиқоқи бўлиб қолсам ҳам, рашк қилавериб куйдиради. Мана, ҳозир ҳам уйга бориб, зиёфатдан қайтдим десам ишонмайди.

— Қизиқ, унда... нима қилсак экан? — мезбон астойдил ачинади.

— Э-э, йўли бор, — дейди Адҳам ака мезбоннинг қулоғига сирли шивирлаб.

— Хўш, қандай йўл экан?

— Мана бу дастурхондаги ноз-неъматлардан бир тугун қилиб машинамга ташлаб қўйинг-чи! Зора, шунда янгангиз зиёфатдан келганимга ишонса...

— Бобожон, менга минг сўм қарз бериб туринг, кейин нафақамдан қайтараман.
— Қанақа нафақа? Ҳали бешга ҳам тўлмадинг-ку!?
— Қанақа эмиш... Бувимнинг нафақасидан қайтараман.

Кичкина ДЕМАНГ БИЗНИ...

Икки болакай ўзаро суҳбатлашмоқда:
— Агар паровозни шоколаддан ясашса, олдин қаеридан бошлаб ер эдинг?
— Ғилдирагидан.
— Нега?
— Юриб кетмаслиги учун-да.

Муаллим тўполончи ўқувчига танбеҳ берди:
— Сен бирон марта виждонинг овозига қулоқ соласанми ўзи?
— Уни қайси тўлқинда эшиттиришади?

Ботаника муаллими ўқувчидан сўради:
— Ковунни қай вақтда узган маъқул?
— Коровул йўқ маҳалда.

— Туғилган кунингга нима совға қилсам экан, неварагинам?

— Қўшиқ ёзилган кассета совға қила қолинг, энажон.

— Сенга қанақаси ёқишини билмайман-да.

— Эшитиб кўринг-да, ўзингизга ёқмаганларини танлаб олаверинг.

Шифокорлар хандаси

— Марҳамат қилиб боламга витамин берсангиз.
— Қанақасидан керак — "А"ми, "Б"ми ёки "Ц"?
— Бераверинг қанақа бўлса ҳам, барибир у ўқишни билмайди.

***

Бир киши жарроҳдан томоғига тиқилган балиқ қилтаноғини олиб ташлашни илтимос қилди.
— Хизмат ҳақи қанча бўлади? — деб сўради бемор иш битгач.
— Эллик доллар!
— Йўғ-э, мен балиқнинг ўзига бор-йўғи икки доллар тўлаганман?

Жарроҳ операцияни тугатгач, беморга деди:

— Сизни сал безовта қилишга тўғри келади. Паришонхотирлигим қурсин, қорнингизда қўлқопимни унутибман.

— Нима ҳам дердим, зарур бўлса ёрасиз-да. Бунақа экан, яхшиси қорнимни тугмали қилиб қўя қолинг.

Кўргазма

Ранглар, жилолар шайдоси бўлган мўйқалам ва амалий санъат аҳлини баҳорнинг бемисл ранглари ошуфта этиши табиийдир. Бу фасл чиройини очганда, рассомлар уйларида хотиржам ўтира олмай қоладилар, балки мольбертларини орқалаб юрт кезишади, уйғонаётган далаю даштларга, қиру адирларга, тоғу дараларга йўл оладилар.

Бўёқларда кўклам нафаси

Ватанимизнинг бетакрор баҳорий жамоли шу кунларда Бадиий академия Кўргазмалар залида намойиш этилаётган «Наврўз — 2006» санъат фестивали кўргазмасида ҳам бош мавзудир. Ушбу кўргазмада рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий безак санъати йўналишларидаги энг яхши асарлардан 200 га яқини қўйилган. Экспозицияларда, айниқса, рассомчилик ишлари салмоқли ўрин тутади. Кўргазма республикамиз тасвирий санъатидаги катта, ўрта ва ёш авлод вакиллари ижодини қамраб олган. Улар жанр ва услуб жиҳатидан ҳам хилма-хил. Бироқ асарларнинг барчасини битта муҳим асос — баҳор гўзаллиги ва Наврўз фалсафаси бирлаштириб туради.

Мана, Жавлон Умарбековнинг «Уйғониш» (2002 й.) триптихи. Учта картинани ўз ичига олган бу туркумнинг марказий асарида айём тантаналарига боғлиқ лавҳалар акс этган: карнай-сурнай, ноғоралар ҳавони зир титратмоқда. Бу тантанавор ҳолат атрофида — марказий ва ёндош картиналарда меҳнат дунёга келтирган ноз-неъматлар, олам гўзаллиги сеп ёйган... Наврўз — фаровонлик сарчашмаси. Триптихда шу фалсафа ёрқин акс этган.

Таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг «Баҳор» (1987 й.) номли асари ўзига хос маънодор композицияси билан ажралиб туради. Пешайвон дераза-си олдида ташқарига қараб турган ўспирин эски шаҳар ҳовлиларига гўзаллик, нур олиб кираётган баҳорни кузатмоқда.

Ижодда санъаткорнинг борлиққа маънавий-ижодий қарашлари кўп нарсани ҳал этади. Бунга С. Муҳаммедовнинг «Кўчатлар» (1982 й.) асари мисол бўла олади. Турли ҳунармандчилик буюм-ашёлари сотилаётган дўконлар қуршовидаги майдонда... кўчат бозори. Жуда оддий, ҳатто поэзиядан кўра тижорат руҳи устунлик қилиб турган кундалик ҳаётий кўриниш. Аммо рассом шу муҳитдаги айрим мафтункор ҳолатларга (масалан, отаси билан бозорга келган болакайнинг қўлига меҳр билан кўчат тутаётган қария боғбонга диққатимизни қаратади. Бу ҳолатлар кўчат бозорига қарашингизни ўзгартиради.

Кўргазмадан кўпгина манзаравий рассомлик асарлари ҳам ўрин олган. Улар орасида, масалан, марҳум рассом Рўзи Чориевнинг Сурхон манзараларини жонлантирган асарлари киши диққатини тортади. Ёки Ҳайдар Санаевнинг «Баҳор» асари бўёқларнинг аниқтиниқлиги, тасвирнинг мукаммаллиги, бетакрор баҳорий жозибадор ранглари билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, ҳар қандай инсон бу гўзал асарлар ўз хонадонининг тўрини безаб туришини чин дилдан истайди. Е. Ортиқовнинг «Настарин» («Сирень») натюрмортида эса настарин гулдастаси шу қадар ҳаётий, жонли ва ғоятда тирик бир ҳолатда гавдалантирилганки, гўё рассом уни боғдан узиб, асар бағрига ўрнатмаганмикин, дейсиз. Бу — маҳоратдан далолат, албатта.

Бу гўзалликни ҳар бир одамнинг ўзи кўришига, ундан маънавий-эстетик баҳра олишига нима етсин?! «Наврўз — 2006» кўргазмаси 27 мартда ўз фаолиятини бошлаган ва унинг эшиклари 25 апрелгача санъат мухлислари учун очиқ.

Михли САФАРОВ.

Қувноқлар давраси

Ўғри сейфни очишга бехуда уринарди. Ахийри чарчаб, асбобларини улоқтиради, пешонасидаги терларни артиб, ўзича минғирлайди:

— Намунча одамлар бу дунёда бирбирини қийнамаса...

— Болалигингдаги биронта орзуинг ушалдими, дўстим?

— Ҳа, сочимдан ушлаб калтаклаганларида кал бўлишни истардим...

Эрталаб соқолини олаётган эр хотинига деди:

— Негадир устарам яхши ўтмаяпти.

— Қизиқ, кеча консервани очганимда балодай кесганди-ку!

Саҳифани ёзувчи Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Шахмат сирлари

Пот қилиш осон эмас. Бунга ҳамма вақт ҳам эришилавермайди. У аҳён-аҳёнда рўй бериб туради. Кўпинча кучсизланиб, танг аҳволга тушиб қолган томон шундай қилишга мажбур бўлади.

Бошловчилар билмасдан баъзан ўйинни пот қилиб қўядилар. Қуйида бу ҳолатга тўхталиб ўтамиз. Шундай натижа қайд этилганда, у дуранг баҳоланиб, томонлар очкони баҳам кўрадилар. Аммо бундай тартиб қабул қилинганига унча кўп бўлгани йўқ.

ПОТ ҲАМ ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

«Нафақат пиёда ёки бирорта сипоҳ, балки шоҳ ҳам ўрнидан жилолмай қолганда ўйин пот бўлади».

Ажойиб рус шахматчиси А. Петров (XVII асрда яшаган) потни ана шундай изоҳлайди. Бизгача етиб келган манбаларда ёзишларича, пот ҳолати IX-X асрларга мансуб араб қўлёзмаларида илк бор учрайди. Ўша даврларда пот бўлган киши енгилган деб ҳисобланган. Голландиянинг шахмат тарихчиси Ван дер Линде 1874 йилда потга шундай изоҳ беради. Инглиз тарихчиси Го Мэррей кейинроқ Линденинг бу таъбири тўғри эканлигини тасдиқлайди. Қадимги араб қўлёзмаларида у дуч келган манба бунга далил бўлиб хизмат қилади. XV аср ўрталаридан мот юқори баҳолана бошлайди, пот эса «талаш» билан тенг қўйилади. Ўша даврнинг таниқли шахматчиси, испаниялик Хуан Лусена ўзининг 1497 йилда нашр этилган шахмат ўйини ҳақидаги китобида бу фикрни таъкидлайди. Номи дунёга машҳур испан шахматчиси ва назариётчиси Руи де Сегура Лонес ҳам 1561 йилда ёзган рисоласида ана шундай фикрни билдиради. Испания, Англия, Германия ва Европанинг бошқа кўпгина мамлакатларида бу қоида XV асрнинг ўрталарига қадар сақланиб қолган. Шахмат анча тараққий қилган илғор мамлакатлар — Италия, Франция да тахминан XVI аср ўрталаридан бошлаб пот дурангга тенг баҳоланган.

Ўрни келганда айтиш керакки, «пот» сўзининг пайдо бўлиши тўғрисида бирбирига зид маълумотлар учрайди. Каттагина ҳажмдаги қомусда ва хориждаги чет эл сўзлари луғатида «пот» сўзининг француз тилидан келиб чиққанлиги айтилган. Шахмат луғатида ёзилишича, бу калом италянча «potto» сўзидан келиб чиқан бўлиб, шартлашиш, битимга келишиш деган маъноларни англатади. Австралиялик таниқли шахмат устаси ва ўйин назариётчиси Иоганн Бергер ҳам «пот» итальянча сўздан ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди. Ўзимиздаги ишқибозлар «пот» сўзи «мот»га оҳангдош бўлганлигида маъно бормикан?» дейишади. Пот қай тарзда изоҳланмасин, асрлар унинг шаклланишига



ҳеч қандай ўзгариш киритолмади.

Энди қуйидаги вазиятга назар солинг. Қораларда фил ортиқ, лекин оқлар катта маҳорат билан ўйинни пот ҳолатига олиб келади. Буни 1-диаграмма ва 2-диаграммада кўриб турибсиз.

Оқлар кутилмаганда олдиндан пухта ўйланган режани — пот қилиш йўлини амалга оширишга киришадилар. Лекин бунга қандай эришилади? Ўзингиз йўлини топинг. Агар тўғри юришлар қила олсангиз, қуйидаги 2-диаграммадаги



пот ҳолати келиб чиқади. Юриш оқлардан.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI FILIALI»
сизларни 2006 йил 17 май куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога тугатилаётган «Техтаъминот» очиқ акционерлик жамиятига қарашли қуйидаги мол-мулклар қўйилади:

1. Ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.

Қисқача тавсифи
Ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси — умумий майдони 546,7 кв.м. бўлган 8 та бино, узунлиги 1718 м. бўлган асфальт йўл, узунлиги 320 м. бўлган темир йўл, узунлиги 468 м. бўлган темир-бетон тўсиқ, 110 номдаги асбоб-ускуналардан ташкил топган.
Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси — майдони 41,3 кв.м. бўлган бино, 15 номдаги асбоб-ускуналардан ташкил топган.
Бошланғич баҳоси — 452 141 543,26 сўм.

2. «МАЗ-53371» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 199 бўлган, кузов тури — юк-бортли, автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.

3. 4-сонли омборхона биноси.
Қисқача тавсифи
Умумий майдони — 987,2 кв.м., қурилиш ҳажми — 6219,1 куб.м., бир қаватли, темир-бетон конструкциялардан қурилган.
Бошланғич баҳоси — 47 080 000 сўм.

Аукцион савдоси Ангрен шаҳри, Дзержинский кўчаси, 14-уй манзилида «Техтаъминот» очиқ акционерлик жамиятида ўтказилади. Телефонлар: 2-31-21, 382-89-14.
Ушбу мол-мулклар савдосида қатнашиш учун ариза ва 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31. Факс: 133-43-73.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345